

## **ИЖАРА МУНОСАБАТЛАРИДА УЙ-ЖОЙГА НИСБАТАН ХУҚУҚЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

Ашурова Мухайё Ахтамовна,  
юридик фанлар номзоди

### **Аннотация:**

Конституциясининг 21-моддасида мамлакатимизда инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳимоя қилиш мустаҳкамланган. Шунингдек, Конституциясининг 65-моддаси хусусий мулкини ҳимоя қилишни кафолатлайди. Қонунчилик, шунингдек, фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишни кафолатлайди, бу Конституциясининг 55-моддасида акс эттирилган. Уй-жой қонунчилиги нормаларига риоя қилиш фуқаролар, шунингдек, уй-жой фондини ҳисобга олиш, сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлашни таъминлаш ваколати юклатилган давлат органлари, корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг уй-жойга бўлган қонуний хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун бундай тоифадаги ишларни ҳал этишда масъулиятни янада ошириш, низоларнинг қонуний кўрилишини тўлиқ таъминлаш лозим.

Ушбу мақолада ижара муносабатларида уй-жойга нисбатан хуқуқларни бузганлик учун фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик масалалари мухокама қилинади.

**Калит сўзлар:** уй-жой, ижара муносабатлари, ижарага берувчи, ижарага оловчи, фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик

### **Annotation:**

Article 21 of the Constitution enshrines the protection of human rights in our country. Also, Article 65 of the Constitution guarantees the protection of private property. The legislation also guarantees the protection of citizens' rights and freedoms through the courts, which is reflected in Article 55 of the Constitution. Compliance with housing legislation is one of the important conditions for protecting the legal rights and interests of citizens, as well as state bodies, enterprises, institutions and organizations charged with the responsibility of

ensuring the accounting, maintenance, use and repair of housing stock. Therefore, it is necessary to further increase the responsibility in solving cases of this category, to fully ensure the legal consideration of disputes.

This article discusses issues of civil liability for violation of rights to housing in rental relations.

**Key words:** housing, rental relations, lessor, lessee, civil liability

Уй-жой қонунчилиги нормалариға риоя қилиш фуқаролар, шунингдек, уй-жой фондини ҳисобга олиш, сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлашни таъминлаш ваколати юклатилған давлат органлари, корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг уй-жойга бўлган қонуний хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун бундай тоифадаги ишларни ҳал этишда масъулиятни янада ошириш, низоларнинг қонуний кўрилишини тўлиқ таъминлаш лозим.

Хусусан, туман (шаҳар) судлари қуйидаги уй-жой низоларини ҳал этиш ваколатига эга:

- хусусий ва давлат уй-жой фондлариға қарашли туар-жойларни ижарага берувчи ҳамда ижарага олувчилар, уларнинг оила аъзолари ўртасидаги уй-жой муносабатлари бўйича вужудга келган низолар;
- уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи билан фуқаролар ўртасидаги уй-жой муносабатларидан келиб чиқадиган низолар;
- давлат уй-жой фондининг туар-жойига берилган хужжатни (ордерни) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;
- ижара шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш тўғрисидаги низолар;
- Уй-жой кодексининг 71-74, 79, 85-моддаларида кўрсатилған асослар бўйича туар-жойдан кўчириш билан боғлиқ низолар;
- фуқаролик хуқуқ мажбуриятлари асосида вужудга келадиган уй-жой билан боғлиқ низолар;
- ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёjlари учун олиб қўйилиши муносабати билан вужудга келадиган низолар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги “Уй-жой низолари буйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорининг 4-бандига кўра, уй-жой фонди таркибиға кирмайдиган бинолардан (ишлаб

чиқариш бинолари, цехлар, йиғма иншоотлар, палаткалар, ўтовлар, вагон уйча ва х.к.лардан) кўчиришда ёки уларни бўшатишида судлар мулк ижараси шартномаларини тартибга солувчи фуқаролик кодексининг нормаларини татбиқ этишлари лозимлиги тушунтирилган.

Амалиётда ҳозирги вақтда энг кўп учраётган низолардан бири бу жиноят натижасида етказилган моддий заарларни ундириш масаласидир. Бундай туркумдаги ишларни кўриб ҳал этишда, албатта жавобгар шахс билан манфаатдор шахс ўртасида моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома имзолангандигини аниқлаш муҳимдир. Ушбу ҳолат уй-жойни ижарага олиш шартномасини тузган тарафлар учун ҳам тааллуқлидир.

Фуқаролик (моддий)жавобгарлик ўзига хос хусусиятлари билан бошқа жавобгарлик турларидан фарқ қиласи. Энг аввало фуқаро қайси қонун нормаларини бузганлигига қараб, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкий ҳарактердаги ва мулкий бўлмаган шахсий ҳарактердаги хуқуқларини бузганлиги учун фуқаролик (моддий) жавобгарликка тортилади<sup>1</sup>.

Қонунда фуқаролик хуқуқий жавобгарликка тортиш муддатлари белгиланган бўлиб, ушбу муддатлар узилиб қолиши, давом этиши, айrim ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

Бундан ташқари фуқаролик хуқуқий жавобгарлик бевосита жабрланувчи томонидан даъво аризасига биноан вужудга келади, яъни фуқоролик-хуқуқий ножӯя ҳаракат жабрланувчининг даъвоси билан аниқланади.

Ижара шартномаси бўйича тарафларнинг жавобгарлиги қонун ёки шартнома билан белгиланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Ижара тўғрисида”ги қонунининг 32-моддасида тарафларнинг жавобгарлиги белгиланган. Жумладан, шартнома тузиш тартибида ва шартларини бузишда, шартнома мажбуриятларини бажармасликда, шартномани бир томонлама ўзгартиришда ёки бекор қилишда, шартномани ўзгартириш ва тўхтатиш тартиби ҳамда шартларини бузишда айбор тараф, шунингдек, давлат идораларининг мансабдор шахслари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик чораси сифатида зарар асосий аҳамиятга эга. Фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик шакллари (турлари) умумий қоидага кўра,

<sup>1</sup> Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик асоси ва шартлари.-Тошкент ТДЮИ, 2007.-16 б.

муайян мажбурият турларидан ва содир этилган хуқуқбузарликнинг моҳиятидан келиб чиқиб белгиланади. Фуқаролик хуқуқида жавобгарликнинг қуидаги шакллари кўрсатилган: 1) етказилган заарни қоплаш; 2) неустойка; 3) мажбуриятни қарздор ҳисобидан бажарилиши.

Етказилган заарни тўлаш – фуқаролик хуқуқига хос умумий чорадан иборат. Умумий қоидага мувофиқ, мажбурият ҳар қандай даражада бузилган тақдирда етказилган заарни тўлаш ҳақида бурч вужудга келади<sup>2</sup>.

Етказилган заарни қоплаш, фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик шакли сифатида фуқаролик хуқуки учун муҳим аҳамиятга эга. Зеро, субъектив фуқаролик хуқуқларини муҳофаза қилиш ва уларни амалга оширишда бузилган хуқуқларни тиклашда хуқуқбузарга тарбиявий таъсир ўтказишда етказилган заарни қоплаш энг муҳим восита ҳисобланади.

Фуқаролик хуқуқида заар деганда, хуқуки бузилган шахснинг бузилган хуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий заар), шунингдек бу шахснинг хуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган лекин, оломай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади (ФКнинг 14-моддаси). Етказилган заар жабрланувчи томонидан қилинадиган харажатлар шаклида кўрилади. Бундай харажатларнинг зарурийлиги ва уларнинг таҳминий миқдори жавобгарлик миқдорини белгиловчи товар, ишдаги ҳамда хизмат кўрсатишдаги камчиликларни бартараф этишга кетадиган смета (калькуляция) сифатидаги мажбуриятларни бузганлик учунжавобгарлик даражасини белгиловчи шартнома, асослантирилган ҳисоб-китоб каби бошқа далиллар билан тасдиқланган бўлиши керак<sup>3</sup>.

Ушбу қоида асосида заар тушунчасини қуидаги уч ҳолат асосида тушуниш мумкин: а) ҳақиқий заар; б) бой берилган фойда; в) маънавий заар.

Заарнинг бу уч кўриниши фуқаролик-хуқуқий жавобгарликни белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлмайди. Фақатгина маънавий заарни қоплашни айрим хусусиятлари мавжуд.

<sup>2</sup> Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шархлар. -Т.: Иқтисодиёт ва хуқук дунёси.1997.-443 б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 5 февралдаги №77-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини кўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги Қарори

О.Оқюловнинг фикрича, моддий заарар ҳуқуқбузарлик сабабли келиб чиқсан харажатлар, мол-мулкнинг шикастланиши, нобуд бўлиши, олинмай қолган даромад, ҳуқуқбузарнинг моддий манфаати тарзида намоён бўлади<sup>4</sup>.

Илгари юридик адабиётларда шартнома жавобгарлигининг уч функцияси (вазифаси) - рағбатлантирувчи, тикловчи ва огоҳлантирувчи функциялари ҳақидаги фикрлар ҳукмронлик қилган. Бозор шароитида қачонки тадбиркор томонидан шартнома мажбуриятларини бажариш қоидаси бажаришга принципи сифатида мавжуд бўлмаганида, қарздорни шартномани бажаришга ундовчи рағбатлантириш функцияси, шартнома жавобгарлигининг компенсацион вазифаси, яъни кредиторнинг нафақат мулкий ҳолатини тиклаш, балки шартномалар учун нохуш бўлган бошқа ҳолатларни (масалан, манфаатни йўқотиш) ҳисобга олувчи вазифалар борасида сўз юритиш тўғрироқ бўлади. Конвенциявий вазифа, яъни, кредиторни ўзига хос "овутиш" ва бажарилиши лозим бўлган мажбурият ўрнига заарни қоплашга унинг розилик бериши бу функцияни ҳимоя қиласи. Яна, конвенциявийдан фарқли равишда, шартнома жавобгарлигининг тикловчи функцияси фақатгина бузилган ҳолатни тиклаш, яъни заарларни қоплашга мўлжалланганлиги ва шартнома жавобгарлигининг бошқа шакли-жарима тўлашни ҳисобга олмаслик ҳоллари ҳам конвенцион вазифани ёқлаб чиқади. Шундай қилиб, фуқаролик-ҳуқуқий шартнома жавобгарлиги-шартномани бузган шахсга нисбатан мажбурий қўлланиладиган шартномага кўра олинган мажбуриятларни бажаришда юзага келадиган кредиторнинг мулкий ҳолатини тиклаб берувчи ва фуқаролик муомиласи иштирокчилари ўртасида нормал муносабатларни рағбатлантирувчи мулкий таъсир кўрсатиш чоралариdir.

Шартнома бузилиши натижасида юзага келувчи мулкий оқибатлар қонунчилик ва юридик адабиётларда турлича талқин қилинган: заар ёки зиён деб номланади<sup>5</sup>.

**Шу билан бирга уй-жой ижараси шартномасини бузганлик учун тарафлар неустойка тўлашлари лозим ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг шаклларидан бири бўлмиш неустойка (жарима ва**

<sup>4</sup> О.Оқюлов.Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари//Конун ҳимоясида.1999.№9. Б. 17.

<sup>5</sup> Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асоси ва шартлари.-Тошкент ТДЮИ, 2007.-68-69 б.



пеня) шартнома мажбуриятларини ўз вақтида лозим даражада бажарилишини таъминлайдиган муҳим усуллардан ҳисобланади.

Неустойка атамаси рус тилидан олинган бўлиб, неустоял яъни, "сўз бердинг, лекин мажбуриятни бажармадинг", - деган маънони билдиради. Ўзбек тилида эса бу сўз бердинг, ваъдангни устидан чиқмадинг, яъни субутсизлик деган тушунчани билдиради.

Неустойка қонунчиликда шунингдек амалиётда ҳам ҳамма учун тушунарли ва қабул қилинган атамага айланган. ФКнинг 260-моддасига мувофиқ, қонун хужжатлари ёки шартномада белгиланган, қарздор мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади.

Кўпчилик ҳуқуқшунос олимларнинг таъкидлашича неустойка бир вақтнинг ўзида мажбуриятларни таъминлаш усули ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакли ҳисобланади<sup>6</sup>. Баъзи мутахассисларнинг таъкидлашича эса неустойкани фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакли, - деб ҳисоблаш нотўғридир<sup>7</sup>. Бироқ бу гуруҳдаги олимлар ўз фикрларини тўла-тўқис баён этмайдilar. Масалан, Д.Рахимов неустойка фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораси эмас, фақатгина мажбурият бажарилишини таъминлаш усули, - деган қатъий фикрни билдиrsада, у ўз фикрларини исботламайди. Фақатгина баъзи олимларнинг фикрларини келтириб ўтиш орқали, ҳеч бир асослар ва исботсиз неустойка жавобгарлик чоарси эмас, -деб ҳисоблади<sup>8</sup>.

Фикримизча, бу ўринда Д.Рахимовнинг фикрлари асоссиз бўлиб, неустойка фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида, қарздорга қўшимча мулкий мажбуриятлар юклайди. Зеро, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий шарти ҳам қарздорнинг қўшимча мулкий харажатлар қилиши ёки янги мажбуриятни бажаришга мажбур бўлиши ёхуд мол-мулкидан, мулкий манфаатдан маҳрум бўлиши билан тавсифланади.

Неустойка қонунда ёки шартномада олдиндан белгиланган тарафларга маълум бўлган ва мажбуриятлар бажарилмай қолганда тўлланиши лозим бўлган

<sup>6</sup> Исмоилов Н. Бозор муносабатлари шароитида шартнома мажбуриятларини таъминлашда неустойканинг аҳамияти://Хўжалик ва ҳуқуқ.-2001.-№5.-Б.5.; Брагинский М.И., Витрянский В.В.Договорное право.-М.Статут.1999.

<sup>7</sup> Константинова В.С. Правовое обеспечение хозяйственных обязательств.-Саратов.Саратовский Университет.1987.-316-319 с.; Рахимов Д. Неустойка – жавобгарликоми?//ТДЮИ Ахборотномаси.-2006.-№1.-Б.24-26.

<sup>8</sup> Рахимов Д. Неустойка – жавобгарликоми?//ТДЮИ Ахборотномаси.-2006.-№1.-Б.24-26.



хуқуқий чора (санкция) ҳисобланади. қонуний неустойка бўйича тарафларнинг келишувида назарда тутилган бўлишидан қатъий назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка тўлашни талаб қилиш хуқуқига эга бўлади<sup>9</sup>.

Бу чора (санкция) хўжалик юритувчи съектлар ўртасидаги шартнома мажбуриятларини бажариш интизомини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик хуқуқида унинг қуидаги турлари мавжуд;

- 1) ҳисобга ўтказиладиган неустойка
- 2) жаримали неустойка
- 3) алоҳида неустойка
- 4) альтернатив неустойка

Неустойканинг турларга бўлиниши юзага келган зиёнларга қараб шунингдек, зарар нестойка билан ёки усиз ундирилиши назарда тутилган ишдан келиб чиқади.

1. Ҳисобга ўтказиладиган неустойка заарлар билан неустойка билан қопланмагандан ундирилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 325-моддасида буён этилганидек, агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади. Бундай неустойка кўпинча ташкилотлар ўртасида тузиладиган чунончи маҳсулот етказиб бериш капитал қурилишига оид шартномаларида қўлланилади.

2. Неустойканинг алоҳида турида эса, заарларни қопламай туриб жарима чоралари қўлланилади. Фуқаролик Кодексининг 325 моддасида кўрсатилганидек кредиторга заарни ундириласдан, балки неустойканинг ўзинигина ундириб олиш хуқуки берилади. Мажбуриятнинг бажарилишини кечикирганлик учун ундириладиган неустойкани алоҳида тури – пеня шаклида белгиланади. Мисол учун: квартира ҳақи ёки электр энергиясидан фойдаланиш учун тўлаши ёки бошқача пул тўловларини тўлаш кечикирилганда одатда алоҳида турдаги неустойка ундирилади.

<sup>9</sup> Раҳмонкулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шархлар. -Т.: Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси. 1997.-422 б.

3. Жаримали неустойкада неустойкадан ташқари заар тўла миқдорда ундирилади. Фуқаролик Кодексининг 325 моддасида назарда тутилган бундай неустойка шундай хусусиятга эгаки, у қарздорга мажбуриятни бутунлай бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун белгилангандиги билан бошқа турдаги неустойкаларга нисбатан қўшимча жавобгарлик белгилайди.

Неустойканинг ҳам, зиённинг ҳам қўшилиши ва бир вақтда ундирилиши мажбуриятни бажарувчи қарздорга кучли таъсир этиш чораси бўлиб кўрилади.<sup>1</sup>

4. Альтернатив неустойкада эса, мажбуриятни бажармаган шахсдан ёки заар ёки неустойка ундирилади. Бу неустойка ўз моҳиятига кўра кредиторнинг кўрган зиёнларини қарздор ҳисобидан қоплашга қаратилган.

Агар кредиторга етказилган заар неустойка миқдоридан ошиб кетган бўлса кредитор неустойкани ундиришдан бош тортишга ва кўрган зиёнларнинг тўпланишини талаб қилишга ҳақли.

Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик нафақат заарларни ундириш шаклида, балки жарима шаклида ҳам бўлиши мумкин. Аввал айтиб ўтилганидек, ҳар қандай мажбурият бузилиши заарларга олиб келмайди. Масалан, қарздор томонидан кредиторга маълум бир маҳсулотни омборга етказиб бериш муддатини ўтказиб юборишлик. Кредитор ушбу етказиб берилаётган маҳсулотларни омборга етказиб бериш муддатини кечикиришдан қўпроқ жойнинг йўқлиги манфаатдор бўлса, бундай ҳолда маҳсулотни муддатидан кечикиб етказилиши нафақат заарли, балки кредитор учун фойдали ҳам бўлиши мумкин (масалан, маҳсулотни омборда сақлаш учун жойнинг етмаслиги) натижасида. Бироқ бунга қарамасдан шартнома мажбурияти бузилганлиги, сабабли кредитор қарздорга нисбатан шартнома ёки қонунда белгилангандиги жавобгарлик чорасини (масалан, жаримани) қўллаш хуқуқига эга.

Ушбу шаклдаги жавобгарликнинг афзаллиги шундаки, шартнома мажбуриятларининг бузилиши оқибатида етказилган заарларни исботлаш мушкул. Бундай ҳолларда қарздорнинг қонуний ҳатти-ҳаракати, ундирилиши лозим бўлган заарларнинг борлиги билан боғлиқ бўлмаган жарима

<sup>1</sup> Зокиров И. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳуқуки. -Т., Адолат. 1996.

кўринишидаги жавобгарликнинг йўқлиги сабабли жавобгарликдан озод бўлиши мумкин.

Жарима - мулкий жавобгарликнинг энг тезкор шаклидир. Заарлар одатда мажбуриятлар бузилганидан сўнг бир оз вақт ўтгач юзага келади (ёки аниқланади). Жарима (штраф, пеня) шаклидаги жавобгарлик эса мажбуриятлар бузилганидан сўнг дарҳол вужудга келади.

Мазкур шакл ёрдамида турли асослар бўйича жавобгарликнинг дифференциясини ўtkазиш мумкин. Жарима - бу қарздорнинг кредиторга мажбуриятлар бажарилмаганлигига ёки лозим даражада бажарилмаганида, шу жумладан бажаришни кечикирган ҳолларида тўлаши лозим бўлган қонун ёки шартномада белгиланган пул миқдоридир (ФКнинг 330-моддаси). Пеня-бу мажбуриятни бажариш муддатини кечикирганлик учун белгиланадиган жарима ҳисобланади, у вақтнинг маълум бир қисми учун фоиз ҳисобида ошиб борувчи қийматда ифодаланади. Одатда жарима ва пеня бузилган мажбуриятнинг нархига нисбатан фоиз кўринишида белгиланади<sup>10</sup>.

Юридик шахслар ва фуқаролар ўзлари етказган заарни, шу жумладан, бой берилган фойдани Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда тўлашлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 541-моддасида ижарага олувчига мол-мulkни топширмаганлиги ёки топширишни кечикирганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

Агар мулк ижарага топширилмаса, ижарачи бу мулкни ўзига топширилишини талаб қилиш билан бирга, ижронинг кечикирилиши туфали ўзига етган заарларнинг тўланишини талаб қилиши ёки шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли бўлади.

Корхона ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатларда кечикирилган ижрони қабул қилишдан бош тортишга фақат қонун ва шартномада белгиланган ҳолларда йўл қўйилади.

Ижарага берилган мол-мulkдаги камчиликлар учун ижарачи жавобгар бўлади. Ижара мулкидаги камчиликлар аниқланганда, ФКнинг 542-моддасига мувофиқ ижарачи ўз хоҳишига қўра, ижарага берувчидан ёки мол-мulkдан камчиликларни текинга бартараф этишни ёки мол-мulkдан фойдаланганлик ҳақини мутоносиб камайтиришни ёҳуд мол-мulkдаги камчиликларни

<sup>10</sup> Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-хукуқий жавобгарлик асоси ва шартлари.-Тошкент ТДОИ, 2007.-68-69 б.

бартараф этиш учун қилган ўз харажатларини қоплашни талаб қилишга, ижарага берувчини олдиндан огоҳлантирган ҳолда ўша камчиликларни бартараф этишга сарфлаган харажатлар суммасини мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан бевосита чегириб қолишга, шартномани муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли бўлади.

Ижарага берилган мол-мулкдаги камчиликлар хусусида хабардор бўлган ижарага берувчи шу мулкни дарҳол тегишили ҳолатда бўлган мол-мулкка алмаштириб бериши ёки мол-мулкдаги камчиликларни текинга бартараф этиши мумкин.

Агар ижарага оловчининг талабларини қаноатлантириш ёхуд унинг камчиликларни бартараф этиш ҳаражатларини мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан чегириб қолиши ижарага оловчи кўрган заарни қопламаса, у заарнинг қопланмай қолган қисмини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Шунингдек, ижарага берувчининг ёзма равища огоҳлантиришига қарамасдан, ижарага оловчи мол-мулкдан шартнома шартларига ёки мол-мулкнинг вазифасига номувофиқ фойдаланса, ижарага берувчи шартномани муддатдан олдин бекор қилишни ва заарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Ижарага оловчи шартнома муддати тугаши билан ижарага олинган мол-мулкни ўзига топширилган ҳолатда, нормал эскиришини ҳисобга олиб ёки шартномада белгиланган ҳолатда қайтарилиши лозим.

Агар ижарага оловчи ижарага олган мол-мулкни қайтармаса ёки кечикиб қайтарса, кечиктириб қайtarilgan барча вақт учун ижара ҳақини тўлашни ижарага берувчи талаб қилишга ҳақли. Бу ҳақ ижарага берувчининг кўрган заарини қопламаган тақдирда, заарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Ижарага олинган мол-мулк ўз вақтида қайtarilmaganligi учун шартномада неустойка ундириш назарда тутилган тақдирда, агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, неустойкадан ташқари зарар тўлиқ миқдорда ундирилиши мумкин (ФКнинг 554-моддаси).

Фуқаролик қонун ҳужжатларини тўғри шарҳлаш ва тадбиқ этиш учун суд тажрибаси муҳим ахамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Судлар тўғрисида”ги қонунининг 17-моддасида “Олий суд Пленуми суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқади ва қонун

хужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради”, деб белгиланган. Олий суд Пленуми суд ишларини кўришда қонунларни қўллаш масалалари юзасидан судларга раҳбарий тушунтиришлари фуқаролик хуқукининг манбалари бўлмаса ҳам барча судлар учун мажбурий ҳисобланади ва судлар томонидан оғишмай ижро этилиши шарт. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги “Уй-жой низолари буйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорини кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонунининг 42-моддаси мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди хўжалик судлов соҳасида суд ҳокимиятининг энг юқори органи бўлиб, у томондан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча худудида бажарилиши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрдаги "Ижара тўғрисида"ги Қонунининг 31-моддаси талабига кўра, ижара шартномасини тузиш, бажариш ва тўхтатиши масалалари юзасидан ижаракилар билан ижарага берувчилар ўртасидаги юзага келадиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда тегишли судлар томонидан ҳал этилади.

Ижара муносабатлари субъектларининг жавобгарлиги **шартнома тузиш тартиби ва шартларини бузишда, шартнома мажбуриятларини бажармасликда, шартномани бир томонлама ўзгартиришда ёки бекор қилишда, шартномани ўзгартириш ва тўхтатиши тартиби ҳамда шартларини бузишда** айбдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар, давлат идораларининг мансабдор шахслари қонунларда белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик асоси ва шартлари.- Тошкент ТДЮИ, 2007.-16 б.
2. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. -Т.: Иктисадиёт ва хуқуқ дунёси.1997.-443 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 5 февралдаги №77-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси



- Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини қўллашнинг айrim масалалари ҳақида»ги Қарори
4. О.Оқюлов.Фуқаролик-хуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари//Қонун ҳимоясида.1999.№9. Б. 17.
  5. Imomov, N. F. (2018). The tasks of the Civil code: regulation of social relations or determination of rights. Review of law sciences, 2(1), 9.
  6. Исломов Н. Бозор муносабатлари шароитида шартнома мажбуриятларини таъминлашда неустойканинг аҳамияти//Хўжалик ва хуқуқ.-2001.-№5.-Б.5.;
  7. Иброҳимов, А. А. Ў. (2021). КОРПОРАЦИЯНИ БОШҚАРИШДА ФИДУЦИАР МАЖБУРИЯТЛАР ВА УЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(10), 841-853.
  8. Брагинский М.И., Витрянский В.В.Договорное право.-М.Статут.1999.
  9. Константинова В.С. Правовое обеспечение хозяйственных обязательств.- Саратов.Саратовский Универститет.1987.-316-319 с.;
  10. Рахимов Д. Неустойка – жавобгарлики?//ТДЮИ Ахборотномаси.-2006.- №1.-Б.24-26.
  11. Ibrohimov, A. A. O., Koryogdiyev, B. U. O., & Tojiboyev, S. Z. (2022). KORPORATIV NIQOBLARNI OLIB TASHLASH KONSEPSIYASI VA UNI O'ZBEKISTON KORPORATIV HUQUQIDA TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(1), 1068-1082.
  12. Зокиров И. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик хуқуки. -Т., Адолат. 1996.
  13. Имомов, Н. (2020). ЭСТОППЕЛЬ И ЕГО ВЫРАЖЕНИЕ В ГРАЖДАНСКОМ ПРАВЕ. Review of law sciences, 2(Спецвыпуск), 43-48.